

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

научная электронная
библиотека
eLIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
СОҲАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....8

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

2. ШАДИЕВА Сайёра Арифовна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОЛЕВОГО ЖИЛИЩНОГО
СТРОИТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....16

3. РАХМОНКУЛОВА Нилуфар Ҳоджи-Акбаровна

ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН НИКОҲЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШДА ШАХСИЙ
ҚОНУННИ ҚЎЛЛАШ ОҚИБАТЛАРИ23

4. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиярович

ДВУСТОРОННИЕ ИНВЕСТИЦИОННЫЕ СОГЛАШЕНИЯ: СУЩНОСТЬ И РОЛЬ В
РЕГУЛИРОВАНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ОТНОШЕНИЙ31

5. БОРОТОВ Алишер Ҳомидович

ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР42

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

6. АБДУЛЛАЕВА Дилфузা

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА.....50

7. ХАМРАҚУЛОВ Шавкатжон Салимович

ИШ БЕРУВЧИНинг ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ
ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУБРОГАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ58

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

8. ПРИМОВ Обиджон Мусирманович

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОГЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ66

9. ЭШНАЗАРОВ Мехриддин Жўраевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....72

10. БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФИЛИГИ ВА УНИНГ УЧУН ЖИНОЙИ
ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ78

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ, КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

11. УМАРХОНОВ Азизхон Шарипхонович

ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ
ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
САБАБЛАРИ, АСОСЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ..... 88

ҲАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

12. РАХМАНОВ Шухрат Наимович

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ
«МЕЖДУНАРОДНАЯ МИГРАЦИЯ»..... 95

13. ГАНИБАЕВА Шахноза

ПОВЕСТКА ДНЯ В ОБЛАСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НА ПЕРИОД ДО 2030 ГОДА:
НОВЫЕ ВЫЗОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ ДЕТЕЙ В МИРЕ... 102

14. СОДИКОВ Акмал Шавкат ўғли

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА СУН'ИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ..... 109

15. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР (ДИАСПОРА) БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ
ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҲАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ
ТАҲЛИЛИ 117

16. ШАРАПОВ Шухрат Шокирович

ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ГЛОБАЛ
КОНВЕНЦИОНАЛ АСОСЛАР 127

17. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна, ТОШМАТОВА Висолаҳон

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРАВ ПОЖИЛЫХ 135

18. ВАКНРАМОВА Mokhinur Bakhramovna

TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF DIGITAL HUMAN RIGHTS 144

19. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович

КЛАССИФИКАЦИЯ ИСТОЧНИКОВ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА 151

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА

LAWYER HERALD

ХАМРАҚУЛОВ Шавкатжон Салимович

Адлия вазирлиги Инсон ресурслари бошқармаси бош маслаҳатчиси
E-mail: sh.xamrakulov@gmail.com

ИШ БЕРУВЧИННИГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИ БҮЙИЧА СУБРОГАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХАМРАҚУЛОВ Ш.С. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суброгацияни қўллаш масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2024) Б. 58-65.



1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-1-7>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси доирасида қонунчиликка кўра суброгациянинг келиб чиқиши ва унинг регресс тартибидан фарқли жиҳатлари суғурта қонунчилик ҳужжатлари билан халқаро тажрибалар асосида таҳлил этилган. Мақолада суброгация тушунчаси, суброгациянинг суғурта муносабатларида тутган ўрни, амал қилиш доираси, субъектлари ва фуқаролик ҳуқуқида регресс тартибида ундирувдан фарқли жиҳатлари кўриб чиқилган. Суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси оқибатида қоплаб берилган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган пул миқдори доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтиш билан боғлиқ муносабатларнинг таҳлили акс эттирилган. Бу каби ҳолатларга айрим мисоллар билан тушунтириш берилган. Мазкур мақолада олимларнинг иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суброгацияга оид қарашлари илгари сурган фикрларини қиёсий таҳлил қилиш орқали муаллиф томонидан таклифлар асосида таҳлил этилди. Таҳлил натижалари юзасидан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидаларга тегишли қўшимчалар кириш ва такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: суброгация, регресс, мажбурий суғурта, суғурта пули, суғурта товони, иш берувчи, қайта қоплаш, суғурталовчи, жабрланувчи, наф оловчи.

KHAMRAKULOV Shavkatjon

Chief consultant of the Personnel Department the Ministry of Justice
E-mail: sh.xamrakulov@gmail.com

ISSUES OF APPLICATION OF SUBROGATION UNDER THE AGREEMENT OF COMPULSORY CIVIL LIABILITY INSURANCE OF THE EMPLOYER

ANNOTATION

This article, based on insurance legislation and international experience, analyzes the emergence of subrogation and its various aspects from the recourse procedure within the

framework of a compulsory employer's civil liability insurance contract. The article also discusses the concept of subrogation, the role of subrogation in insurance relations, subjects and various aspects of collection in civil law. The analysis of the relations associated with the transfer of the insured's right of claim from the person responsible for the damage covered by the insured event to the insurer who paid the insurance compensation within the amount of money paid is reflected. And this is explained with some examples. In this article, based on the author's proposals, the views of scientists on subrogation under a compulsory civil liability insurance contract are analyzed through comparative analysis. Based on the results of the review, proposals and recommendations were developed aimed at introducing and improving changes to the Rules of compulsory insurance of civil liability of the employer.

Keywords: subrogation, recourse, compulsory insurance, insurance money, insurance compensation, employer, insurer, victim, beneficiary.

ХАМРАКОЛОВ Шавкатжон Салимович

Главный консультант управления человеческими ресурсами

Министерства юстиции

E-mail: sh.xamrakulov@gmail.com

ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ СУБРОГАЦИИ ПО ДОГОВОРУ ОБЯЗАТЕЛЬНОГО СТРАХОВАНИЯ ГРАЖДАНСКОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ РАБОТОДАТЕЛЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе страхового законодательства и международного опыта проанализировано возникновение суброгации и ее различные аспекты из регрессного порядка в рамках договора обязательного страхования гражданской ответственности работодателя.

В статье рассматриваются понятие суброгации, ее роль в страховых отношениях, предмет и различные аспекты взыскания в гражданском праве. Проведен анализ отношений, связанных с переходом права требования страхователя от лица, ответственного за ущерб, покрываемый страховым случаем, к страховщику, осуществившему выплату страхового возмещения в пределах суммы выплаченных денег. И это объясняется на некоторых примерах.

В данной статье, на основе предложений автора, путем сравнительного анализа приводятся взгляды ученых, касательно суброгации по договору обязательного страхования гражданской ответственности. По результатам рассмотрения проблем, разработаны предложения и рекомендации, направленные на совершенствование и внесение изменений в Правила обязательного страхования гражданской ответственности работодателя.

Ключевые слова: суброгация, регресс, обязательное страхование, страховые деньги, страховое возмещение, работодатель, страховщик, потерпевший, выгодоприобретатель.

Замонавий ҳуқуқий муносабатларда суброгация институти суғурта муносабатларида кенг қўлланиладиган ҳуқуқий механизм бўлиб, ўзининг юридик табиатига кўра мазкур восита мажбуриятда шахслар ўзгаришига ўхшаб кетади. Айрим ҳолларда суброгация ва регресс ҳуқуқи нисбати ноаниқлигича қолиб кетади ва бу нафақат цивилистик назария балки, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам баҳсларни келтириб чиқаради.

Халқаро ҳуқуқ амалиёти шуни кўрсатадики, ходимнинг манбаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш учун иш берувчининг ходим олдидағи жавобгарлигини суғурта ташкилотлари орқали мустаҳкамлаб олинади, яъни иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш амалга оширилади [1].

Суғурта шартномаси билан боғлиқ жараённинг муҳим таркибий қисмларидан бири бу суғурта қилдирувчи (иш берувчи)нинг зарарни қоплашга доир хуқуқларининг суғурталовчига ўтиши (суброгация) ҳисобланади. Суброгация атамаси лотинча “subrogation”, “subrogare” сўзларидан олинган бўлиб, “ўрнига танланган” маъносини англатиб, кўпчилик ҳолатларда қонун тушунчаси билан боғлиқлиқда келганда, “subrogare leget” “қонунга янги ўзгартириш киритиш” маъносини англатади [2] ёки инглиз тилида “subrogation” “учинчи шахс томонидан хуқуқларни таъминлаш, ўтказиш” деган маънони англатади [3, Б.221]. Яъни, суброгация – кредиторнинг мажбурият бўйича хуқуқларини бошқа шахсга ўтишини англатади.

Амалиётда айрим ҳолатларда учинчи шахсга мажбуриятнинг юкланданлиги натижасида ҳам қарздор ўзга юклатилган мажбуриятни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги мумкин. Баъзан эса, солидар қарздорлик юзага келганда тарафлардан бири ушбу мажбуриятни бажариши натижасида бошқа қарздорлар кредитор олдидаги мажбуриятдан озод бўлади. Бу ўринда учинчи шахслар учун амалга оширилган тўлов натижасида кўрилган зарар қопланиши зарур. Мажбуриятни бузган қарздор унинг салбий оқибатларидан озод бўлмаслиги лозим. Анъанавий равища бундай ҳолларда регресс мажбуриятлар ҳақидаги қоидалар қўлланилади. Шу билан бирга ушбу мажбуриятдан фарқли бўлган суброгация ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу икки мажбурият ҳақидаги қоидалар ноқулай оқибатларни қарздор учун туғилиши билан уйғуллашади.

Ҳозирги вақтда мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш, зарарни қоплаш институти ва суғурта қонунчилигининг ривожланиши билан мулкий манфаатларни ҳимоя қилишда суброгация усули қўлланилади. Замонавий фуқаролик-хуқуқий тартибга солишда суброгациянинг моҳияти, унинг кўлами ва хуқуқий хусусиятлари аниқ белгиланмаган, бу эса ушбу масала бўйича ишончли хуқуқни қўллаш ва суд амалиётини шакллантиришга салбий таъсир қилиши мумкин.

Қонунчилик хужжатларида суброгация тушунчасининг аниқ таърифи ишлаб чиқилмаган. Ушбу хуқуқий институт юридик мажбуриятлар учун хос бўлиб, мажбуриятда шахслар ўзгариши (ФК 23-боби)да учинчи шахснинг манфаатларини таъминлашга ҳам хизмат қиласи.

Қонун чиқарувчи нуқтаи назарида суброгация айнан суғурта муносабатларида амал қиласи. Агар бирор турдаги суғурта шартномаси бўйича бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф оловчи)нинг суғурта ҳодисаси оқибатида қоплаб берилган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш хуқуқи тўланган пул миқдори доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтади (ФКнинг 957-моддаси).

Илгари вақтларда суброгация регресснинг бир тури сифатида кўрилган ёки умуман қонунчиликда назарда тутилмаган эди қолаверса қонунчилик хужжатларида суброгация тушунчасининг аниқ таърифи ишлаб чиқилмаган. Ушбу хуқуқий институт юридик мажбуриятлар учун хос бўлиб, мажбуриятда шахслар ўзгариши (ФК 23-боби)да учинчи шахснинг манфаатларини таъминлашга ҳам хизмат қиласи. Ушбу қоида ФКнинг икки моддасида 318 ва 957-моддаларида ифодаланган бўлиб, суброгацияга доир бир-бирига зид қоидани келтириб чиқаради. Биринчисида, суғурта ҳодисаси содир бўлиши учун жавобгар шахсга даъво хуқуқларини ўтказишни назарда тутса, иккинчисида эса – суғурталовчига зарарлар учун жавобгар шахсга даъво хуқуқларини ўтказишни назарда тутади. Аслида, фақат мулкий суғурта шартномаси бўйича тўланган сумма доирасида суғурта ҳодисаси юзага келгандан сўнг, суброгация ўтади ва шунга кўра айбдор шахснинг бошқа эканлиги сабабли ортиқча ёки асоссиз тўлаб берилган тўлов суғурта товонини тўлаб берган ва талаб қилиш хуқуқи бўлган суғурталовчига қайтишига имкон беради.

Суброгация шароитида иш берувчи суғурталовчига барча хужжатларни тақдим этиши шарт. Агар иш берувчи суғурталовчи томонидан ундирилган зарар юзасидан жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш хуқуқидан воз кечса ёки иш берувчининг айби туфайли ушбу хуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмай қолса, бундай ҳолатда суғурталовчи иш берувчидан суғурта товони бўйича тўланган суммасини қайтариб

беришни талаб қилишга ҳақли бўлади [4] (Қоидаларнинг 74-банди). Фикримизча, мазкур нормани қоидалардан чиқариб ташлаш лозим, чунки қўп холатларда суғурта қопламаси миқдори жуда катта суммани ташкил этади ва айбдор бўлган иш берувчининг бошқа ходими бу зарарни суғурта компаниясига қайтариб тўлаб бериши суғуртанинг моҳиятини йўққа чиқаради. Яъни, суғурта мазмунига қўра иш берувчининг жавобгарлиги юзага келганлиги натижасида суғурталовчи суғурта пулини тўлаб берсада яна бошқа шахснинг айбдорлик ҳолатини қўриб чиқилишига олиб келади.

Суғурта шартномаси бўйича суғурталанган шахс (жабрланувчи, наф оловчи) ҳар доим ўз ҳуқуқини амалга ошириш учун ҳуқуқбузарга даъво қўйиш имкониятига эга бўлмайди. Суғурта қилдирувчи қонун асосида зарарни қоплаш ҳуқуқини суғурталовчига ўтказади. Бу ёўринда даъво ҳуқуқи суғурталовчига ўтгандан сўнг, у томонидан суғурта қилдирувчи (наф оловчи) ва зарар етказган жавобгар шахс ўртасидаги муносабатлар тегишли қоидаларга мувофиқамалга оширилади. Суброгация билан нафақат кредиторни алмаштириш содир бўлади, балки дастлабки даъвонинг мазмуни ҳам ўзгаради, яъни шартнома асосида вужудга келадиган ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, қонундан келиб чиқадиган ва амалга оширадиган ягона ворислик мавжуд бўлади.

АҚШ амалиётида ходимга зарар учинчи шахс томонидан етказилган ҳолатда жабрланган ходим айбдор шахсга нисбатан мустақил даъво қўзғатиш ҳуқуқи пайдо бўлсада, лекин буни суброгация йўли билан иш берувчининг суғурта шартномаси доирасида даъво ҳуқуқини суғурталовчига ўтишини адолатли ва қонуний талаб деб ҳисблайди, шу ўринда суброгациянинг мақсади келиб чиқади, яъни жабрланган ходимни кутилмаган фойда ёки икки баравар компенсация олишга тўсиқ бўлувчи восита сифатида кўрайдилар [5]. Хиндистоннинг суғурта амалиётида суброгация – фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахсга етказилган зарарни қоплаш учун учинчи шахсга нисбатан суғурталовчининг қонуний талаб қилиш ҳуқуқини англатади. Бошқача айтганда, суғурта компанияси суғурта қилдиручининг ўрнидан барча ҳаракатларни амалга оширишни ва зарарни учинчи шахсдан ундириш талабини суброгация дебатайди [6]. Фикримизча, АҚШ амалиётида етказилган зарар ўрнини қоплаш талаби ходимнинг ўзида бўлиши ёки иш берувчининг мустақил талаб қилиш ҳуқуқи суброгацияни англатмайди, иш берувичида ўзи қоплаб берган зарар ўрнини тўлдиришдаги “регресс” даъво сифатида баҳоланади. Суброгация айнан талаб қилиш ҳуқуқининг бошқа субъектга – суғурталовчига ўтишига айтилади. Хиндистон амалиётидаги суброгация моҳиятан тўлиқ мос тушади.

Бироқ, Хиндистоннинг “Canara HSBC Life Insurance” суғурта компанияси амалиётида **“даъво талабидан воз кечиш”** бўйича таклифлар ҳам назарда тутилади. Бунда, суғурталовчидан ҳам, иш берувчидан ҳам ходимга етказилган зарар учун учинчи шахсга нисбатан даъво талаби бўлмайди. Бу мажбурий суғурта шартномасининг алоҳида шарти бўлиб, суғуртакилдирувчи висуғурталовчи ўртасидакелишув (consensus) гаэришилсагина қўлланилади. Бунинг шарти шартнома мажбуриятларида иш берувчи томонидан суғурта мукофотини асл қийматга нисбатан юқорироқ миқдорда суғурта мукофотини тўлаши ва суғурта шартномасида бу ҳамда аниқ баён этилиши керак, холос [7]. Фикримизча, ушбу амалиётни миллий қонунчиликка татбиқ этилиши турли келишмовчилик ва норозичиликни ҳам келтириб чиқариши мумкин, **“биринчидан”** зарарнинг ўрнини қоплаш масаласи бўлса, **“иккинчидан”**, айбдор шахснинг жавобгарлиқдан ёки шунчаки масъулиятдан озод бўлишига олиб келади. Бундай амалиёт давлат ёки иш берувчининг манфаатларига мос келмайди.

ФК 318-моддаси мазмунида суғурта ҳодисаси бошланишига сабабчи бўлган жавобгар шахс – қарздор ҳисобаниб, унга нисбатан кредитор (иш берувчи) ҳуқуқларининг суғурталовчига суброгацияси ўтиши кредитор (иш берувчи)нинг мажбурият бўйича ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтиши ҳисобланади. Яъни, суброгация талаблари миқдори суғурталовчи томонидан тўланган тўлов миқдоридан ошмаслиги талаб қилинади. Қонун чиқарувчининг нуқтаи назарига қўра, суброгация фақатгина мулкий суғуртада мумкин, шахсий суғуртада уни қўллаб бўлмайди. Чунки, мулкий суғурта шартномасида товоң тўлаш функцияси мавжуд бўлади ва суғурта қилдирувчи (наф кўрувчи) ўзига

етказилган заарни белгиланган доирадан кўп миқдорда эмас, балки заар миқдори доирасида ундиради.

АҚШнинг бъэзи штатларида суброгация фақат шартнома шартларига кўра қўлланилади ва жавобгар (учинчи) шахсдан жабрланувчига етказилган заарнинг ўрни етказилган заар доирасида ва суғурта мукофоти миқдоридан ошмаган ҳолда ундирилиши мумкин, холос. Шу билан бирга, АҚШ штатларида “адолатли суброгация” термини кенг қўлланилиб, суғурталовчи жабрланувчига суғурта ҳодисаси доирасида етказилган заар учун суғурта тавонини тўлиқ тўлаб бўлгандан сўнг эга бўлади, яъни қисман қоплаб бериш билан суброгацияга киришиши қонундан тақиқланади [8]. Ушбу ҳаракатлар миллий қонунчиликда гарчи аниқ баён этилмаган бўлсада мазмуман суғурта муносабатларида суғурталовчи жабрланувчига етказилган заарларни суғурта шартномаси доирасида қоплагандан сўнггина заар етказувчидан ўзи қилган ҳаражатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Замонавий суброгациянинг тамал тоши француз Фуқаролик кодексида қўйилган эди. Ўрта асрларда суброгация дастлаб қарздорнинг розилиги билан (1609 йил), кейинчалик (XVIII асрда) эса, кредиторнинг розилиги билан суброгация жорий қилинган эди. Кредиторнинг розилиги билан шартнома суброгацияси ана шундай ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади. Аввало, суброгациянинг бу тури регрессдан келиб чиқсанлиги сабабли, у нафақат мажбуриятда кредиторни алмаштириш шаклида ўхшаш ҳуқуқий оқибатларга олиб келади, балки ўзгаришни таъминлашга эътиборни қаратади. Бироқ, ушбу тоифалар бир хил дегани эмас, чунки шартнома суброгацияси учун кредиторнинг розилиги билан амал қилишнинг маҳсус шартлари белгиланади. Бундай суброгация фақат тўлов вақтида амалга оширилиши керак. Оддий тўлов учун чиптани суброгация ҳужжати билан алмаштириш учун уни йўқ қилиш алдаш ҳисобланади. Бу ҳақиқий хавфсизликни таъминлаган ва унга маълум ҳуқуқларга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини эътиборсиз қолдиришни англатади. Ушбу шахслар оддий ва шартсиз тўлов амалга оширилганигидан, у билан боғлиқ барча кафолатлар билан биргаликда мажбуриятни бекор қилган ҳолда фойдаланишлари мумкин бўлади [9, Б.10]. Юқорида ҳам қайд этилганидек, суброгацияда суғурта қилдирувчининг заар қопланишига бўлган ҳуқуқлари суғурталовчига ўтади ва бунда мажбуриятда шахслар ўзгаришига оид ҳолат юзага келади. Бошқача айтганда, мажбуриятда кредитор ўзгаради ва талаб қилиш ҳуқуқи жабрланувчидан заарни суғурта воситасида тўлаган шахсга ўтказилади.

Амалиётчи олим М.А.Аминжонованинг фикрича, суброгация жараёнида бирор бир янги ҳуқуқ пайдо бўлмайди, мажбурият бўйича суғурта товонини тўлаш вақтида мавжуд бўлган ҳуқуқий ворислик юзага келади, холос. Ҳуқуқларнинг суғурта қилувчига ўтиши дастлабки (бирламчи) ҳуқуқий муносабат субъектларининг розилигидан қатъи назар амалга оширилади. Суброгация суғурта қилувчи томонидан суғурта тўлови мажбуриятининг бажарилиши натижасида содир бўлади. Бунда суғурта қилдирувчининг ҳуқуқларини суғурталовчига ўтказиши ҳақидаги шартнома суброгация тилхати сингари бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этилишини талаб этмайди ҳуқуқ тўғридан-тўғри қонун бўйича ўтади [10]. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда суброгация ҳуқуқнинг вужудга келиши суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси юзасидан суғурта шартномаси шартларига кўра суғурта тўлови билан боғлиқ мажбуриятининг бажарилиши натижасида юзага келади ва суғурта шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятидаги шартларни бекор бўлишига олиб келмайди. Шунингдек, суброгацияда мажбурият ҳуқуқига хос бўлган икки категория “мажбуриятда шахслар ўзгариши” ва “регресс мажбуриятлари”нинг хусусиятлари мавжуд. Мажбуриятда шахслар ўзгариши элементлари яққол кўриниб тургани ҳолда, суброгацияда регресс мажбуриятларининг ҳам муайян белгилари кўзга ташланади.

Бизга маълумки, “регресс” цивилистика фанида “қайтариш” маъносини англатади, масалан, бирор киши учун тўлаб берилган пулни қайтариб бериш талаби бўлган ҳуқуқни билдиради [11, Б.476]. Мажбуриятга оид муносабатларда ҳам регресс деганда, бирор шахснинг бошқа шахснинг фойдасига ёки унинг айби билан амалга оширганини,

ўзига қайтарилишига йўналтирилган талабини англатади. Регресснинг юзага келиши учун бирон-бир шартномавий ҳодиса туфайли тарафлардан бири томонидан мажбурият бажарилган бўлиши керак ва ана шу талабдан ҳосила сифатида регресс даъвоси (талаби) келиб чиқиши мумкин [12, Б.4]. Академик Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, “регресс” ўзига ҳос белгилар билан таърифланади, улар қуидагилар: **а)** “регресс” асосий мажбуриятдан келиб чиқади, яъни унинг ҳосиласи ҳисобланади; **б)** унинг иштирокчиларидан биттаси ёки барчаси асосий мажбурият бўйича субъектлар ҳисобланади; **в)** асосий мажбуриятни “регресс” мажбурият томонларидан бири тарафидан амалга оширилиши ёки “регресс” мажбуриятнинг юзага келиши унда иштирок этган шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан боғлиқ бўлади [13]. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда суброгацияни регресс билан ўхшаш жиҳатларини кузатиш мумкин бўлади, хусусан “суброгация – талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш” бўлса, “регресс – қайтариш” дир ва бу иккисида ҳам учинчи шахсдан талаб зарарни қоплаш мақсад қилинади, фақат субъектлари доираси турлича бўлади.

Регресс мажбурият фойдасига амалга оширилган шахс (кредитор)га нисбатан ана шу мажбуриятни бажарган шахс томонидан билдирилиши мумкин бўлмайди. Регресс бир шахс томонидан бажарилган мажбуриятнинг, “охир-оқибат” бошқа шахс томонидан бажарилиши лозимлигидан келиб чиқади. Регресс талабидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича кредитор айrim истисно ҳолатлардагина келажакда вужудга келадиган регресс мажбуриятининг тарафи билан боғлиқ бўлади. Кредитор битта тарафдан мажбурият ижросини қабул қилиб, ушбу тарафга нисбатан ва келажакда вужудга келиши мумкин бўлган регресс мажбуриятининг бошқа тарафига нисбатан ҳам ҳар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятни йўқотади. Регресс мажбуриятда асосий мажбуриятдаги қарздор иштирок этмайди.

Регресс талабларда иккита ҳуқуқий муносабат уйғулиги мавжуд бўлмайди, бинобарин, улардан бири, яъни айнан регресс ҳуқуқий муносабат биринчи ҳуқуқий муносабат тугагандан сўнг вужудга келади. Регресс мажбурият тўлиқ ва аниқ маънода қандайдир бошқа мажбуриятнинг ҳосиласи ҳисобланади. Бунда биринчи мажбурият регресс талабини вужудга келтириш асоси ҳисобланган юридик факт сифатида унинг мазмунини ўзида ифодаламайди.

Регресс мажбуриятлар уч томонлама эмас, аксинча унда ўзаро иккита бир турдаги ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ учта субъект иштирок этади ва бунда биринчи мажбуриятнинг тугаши асосида иккинчи, яъни регресс мажбурияти вужудга келади. Бунда регресс талабининг субъекти сифатида регредентнинг ҳолати шу билан тавсифланадики, у кредитор бўлишдан олдин бажарилиши регресс талабини вужудга келтирган бошқа бир мажбуриятда қарздор сифатида иштирок этган ҳисобланади. Бинобарин, регрессатнинг учинчи шахсдан регредентга тегишли бўлган нарсани олиши ва уни қайтариш тўғрисидаги талаби регресс ҳисобланмайди.

Айrim мутахассислар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни суғурталаш шартномасида суброгацияни қўллаш мумкин бўлмаслигини таъкидлашади [14]. Чунки, бунда суғурта моҳияти йўқолиб қолади. Яъни, айбдор доимо мавжуд бўлган ҳолатда суғурта компанияси ундан тўланган товонни ундириб олиши мумкин бўлади.

Юқоридаги фикрлардан “регресс” ҳамда “суброгация”нинг асосий фарқларидан бири **регресс** – даъво қилувчи шахс шартнома бўйича асосий қарздор эмас, асосий қарздорга нисбатан қўшимча қарздор бўлиши мумкин. Масалан “А-банк” ва “Б-қарздор” ўртасида тузилган кредит шартномаси бўйича “В-кафил” шахс, “Б” томонидан кредит мажбуриятининг бажарилмаслиги оқибатида мажбуриятларни бажариш “В”нинг зиммасига ўтади. Кейинчалик “В” ўзига етказилган зарарни ўрнини қоплаш учун “Б” дан регресс тартибида ундириб олишини тушунамиз. **Суброгацияда** – даъво қилувчи доим “суғурталовчи” бўлади. Масалан “А-суғурталовчи” ва “Б-иш берувчи” ўртасида тузилган суғурта шартномаси бўйича “В-жабрланувчи” бўлган бўлса, “Г-номаълум шахс” суброгация бўйича қарздор бўлиши мумкин. Яъни, давогарнинг субъекти ўзгармас бўлади.

Демак, суброгация фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва пул талабларига

нисбатан қўлланилади. Регресс талаб ва суброгация моҳиятада бир биридан фарқланади. Регресс талабнинг суброгациядан асосий фарқи шундаки, регресс талаб мустақил ҳисобланади, яъни бу янги мажбурият ҳисобланади. Суброгацияда сингуляр хуқуқий ворислик юз беради. Суброгация мутлақ хусусиятга эга ва фақат қонунчилик ҳужжатларида назарда белгиланган ҳоллардагина вужудга келиши мумкин. Регресс талаб ва суброгацияни моҳияти бир бири билан уйғун – яъни, тўловчи тўлаган пул маблағини қарздор унга тўлаб беради, жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланади ва зарар тўлиқ ҳажмда қопланади.

Жавобгарлик суғуртаси шартномасининг мақсади нафақат жабрланувчининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш, балки суғурта қилдирувчи – зарар етказувчининг ҳам манфаатларини суғурта шартномасини тузиш орқали деликт мажбуриятдан тўлиқ ёки қисман озод этиш ҳисобланади [15]. Бироқ, бу ўринда регресс талаб қилиш хуқуқи қўлланилиши мумкинлиги ҳам истисно этилмайди.

ФКнинг 1001-моддасида регресс хуқуқини таъминлаш масалалари баён этилган, унга кўра, ўзга шахс масалан, меҳнат вазифаларини бажараётган ходим, автотранспортни бошқарган шахс ва ҳ.к. томонидан етказилган зиённи қоплаган шахс аслида зарар етказган шахсга нисбатан қоплаб берилган товон миқдорида регресс хуқуқига эга бўлади.

Иш берувчининг суғурта шартномасида суброгациянинг қўлланилиши масаласи Қонунда эмас, Қоидаларда белгиланган.

Фикримизча, Қоидаларнинг 12-бўлими “Суброгация” тарзида нотўғри ифодаланган. Яъни, регресс талаб билан суброгациянинг фарқига борилмаган. Қоидаларнинг 74-бандида “қайта талаб қилиш хуқуқи” тушунчаси нотўғри қўлланилганда кўринади. Чунки, бу ўринда суброгация эмас, балки қайта талаб қилиш хуқуқи қўлланилади. “Қайта талаб қилиш хуқуқи” эса анъанавий регресс хуқуқини англатади. Қолаверса, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда тегишли ҳужжатлар ва далиллар фақат иш берувчидан эмас, жабрланувчиларнинг ўзида ёки унинг вафотидан сўнг наф оловчида бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ФКнинг 957-моддаси учинчи қисми қоидаларида ҳам бундай ҳужжатларни бериш суғурта қилдирувчи билан бирга наф оловчининг ҳам мажбурияти ҳисобланиши белгиланган. Ушбу нормалардан келиб чиқиб, Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидаларнинг [16] 12-бўлими “Регреес талаб қилиш хуқуқи” тарзида, 74-бандининг иккинчи қисмига ФКнинг 957-моддаси учинчи қисмидаги қоидаларни киритиб, қуйидаги таҳрирда ифодалаш зарур:

“Иш берувчи (жабрланувчи, наф оловчи) суғурталовчи ўзига ўтган талаб қилиш хуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни суғурталовчига бериши ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт”.

Амалётда иш берувчи ўзининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиши иш берувчига нима беради? Мазкур турдаги мажбурий суғуртани амалга ошириш орқали эҳтимолий юзага келиши мумкин бўлган баҳтсиз ҳодисалар бўйича зарарни қоплашни ва шу орқали ўз ходимларини ижтимоий ҳимоясини таъминлашни мақсад қиласди.

Масалан иш вақтида ходим транспорт ҳодисасига учраши (масалан, йўл траспорт ҳодисаси, йўлда қазиб қўйилган чуқурга тушиб кетиши ва ҳоказо) натижасида соғлиғига зиён етди ва касалхонага тушиб қолди. Ушбу вазиятда суғурта бўлмаса ходимга моддий ёрдам ажратиш, дори-дармон ва бошқа шу каби харажатларни тўлиқ қоплаш иш берувчининг зиммасига тушади.

Автоҳалокат иккинчи тараф айби билан содир бўлган бўлса ёки йўл қурилиши хизматининг айби (белги қўйилмаганлиги, тўсилмаганлиги) оқибатида юзага келган бўлса, ходимнинг соғлиғига етказилган зарар суғурталовчи томонидан қоплаб берилади. Бироқ, суброгация тартибида зарарни “қайта қоплаш” ишлари бошланганда иш берувчи югурмайди, айнан иш берувчининг хуқуқлари ўтган томон суғурталовчи ундириш чорасини кўради. Яъни, иш берувчи ўзининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиши орқали, агар жабрланувчининг соғлиғи ёки ҳаётига бошқа

шахснинг айби билан етказилган заарар учун суғурта ташкилотидан товон олса, унинг ана шу ҳолатни қоплаш учун шу айбордor шахсга нисбатан талаб қилиш хуқуқи суғурта ташкилотига ўтади ва суғурта ташкилоти айбордor шахсдан унинг ўрнига ундириш чораларини кўради.

Хулоса қилиб айтганда, авваллари суброгация масаласи регресснинг бир қисми сифатида қаралган ёки қонунчилик хужжатларида ҳам назарда тутилмаган бўлса, бугунги кунда ФК ва Қоидаларда ўз ифодасини топган. Суброгация иш берувчининг суғурта шартномаси доирасида суғурталовчи учун ортиқча ёки асоссиз тўланган деб ҳисобланган суғурта бадалини жавобгар шахсдан талаб қилиш хуқуқини беради ва бу амалиётда кенг қўлланиб келинмоқда. суброгация натижасида кредиторнинг талаб қилиш хуқуқлари бошқа шахсга ўтади ва қарздор шахсдан сарфланган ҳаражатлар ўрнини тўлиқ ёки қисман тўлдиришни талаб қилиш хуқуқини ўтишига олиб келади, яъни суғурта қилдирувчининг заарар қопланишига бўлган хуқуқлари суғурталовчига ўтади ва бунда мажбуриятда шахслар ўзгаришига оид ҳолат юзага келади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Хамрақулов Ш. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномасини тузишнинг зарурати ва уни расмийлаштириш тартиби // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2/S. – С. 381-390 // DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss2/S-pp381-390>.
2. Бартошек М. Римское право. Понятие. Термины. Определения. – с 304.
3. Абрамов В.Ю. Страхование: теория и практика. - М.: «Волтерс Клювер», 2007 (Қаранг: Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес: Словарь-справочник. С. 221.)
4. Вазирлар Маҳкамасининг 24.06.2009 йилдаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари // URL: <https://lex.uz/docs/1493389>.
5. URL: <https://www.cmalaw.net/subrogation-what-it-means-and-how-it-can-impact-your-workplace.html> Ochilmadi.
6. Life Insurance Plans. // URL: <https://www.canarahsbclife.com/life-insurance>. 03.01.2024 й. // URL:<https://www.canarahsbclife.com/life-insurance>
7. Virginia Law Review, Vol. 8, No. 6 (Apr., 1922), pp. 455-457 (3 pages) // URL:<https://www.jstor.org/stable/1063092?seq=1>
8. Самбир О.Договорная суброгация: опыт зарубежных стран и перспективы введения в Украине. // Наука. Общество. Государство. 2013. 1-10-ст.
9. Аминжонова М.А. “Суғурта шартномасида тарафларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги масалалари” юр.фан.док. (DSc) диссертацияси 2019 й.
10. Зокиров И.Б. Фуқаролик хуқуқи. I қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр.-Тошкент: ТДЮИ, 2009.-476 б.
11. Смирнов В.Т. Регрессные иски в обязательствах из причинения вреда. - М.: Юрид. лит.1960. -4 ст.
12. Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият хуқуқи.-Тошкент: ТДЮИ, 2005.-46 б.
13. Шевченко Г.Н. Регресс и суброгация в российском гражданском праве. //Вестник Омского университета. Серия «Право». 2021. Т.18. №3. 45-52-ст.
15. Романюк Я. М. Регрессное требование страховщика к лицу, причинившему вред: особенности реализации в гражданском законодательстве Украины // Внедоговорные обязательства: материалы между -нар. науч.- практ. конф. / отв. ред. М. К. Сулейменов. - Алматы: [б. и.], 2017. - С. 137-144.
16. Вазирлар Маҳкамасининг 24.06.2009 йилдаги 177-сонли “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қарори ва ушбу Қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари // URL: <https://lex.uz/docs/1493389>.